

**«Асака» банкда (ОАЖ) банк ҳисобварақларига масофадан хизмат  
кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги  
Н И З О М**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги, "Электрон тўловлар тўғрисида"ги қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2010 йил 19 ноябрда 2155 – сон билан рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сонли қарори билан тасдиқланган "Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисида Низом"га мувофиқ ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида "Асака" банки (ОАЖ) (кейинги ўринларда - Банк)да банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартибини белгилайди.

2. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими (кейинги ўринларда тизим деб юритилади) Банк ва Мижознинг ўзаро ҳамкорлигини автоматлаштирилган режимда амалга оширишга, пул маблағларини тезкор бошқариш самарадорлигини ҳамда банк операцияларининг сифатли қайд қилинишини таъминлайди.

3. Тизимнинг асосий вазифалари:

мижозни аутентификация қилиш, (яъни тизимда мижознинг мавжудлигини тасдиқлаш)

электрон тўлов ҳужжатларини киритиш;

электрон тўлов ҳужжатларини шифрлаш ва уларни банк ахборот тизимларида қайта ишлаш учун алоқа каналлари орқали узатиш;

ахборот хабарларини қабул қилиш-узатиш;

ҳисобот шакллари (шахсий ҳисобварақлар, электрон тўлов ҳужжатлари, киритилган ҳужжатларнинг рўйхатини) кўриш ва чоп этиш.

4. Тизим банкнинг мулки ҳисобланади ва Умумий фойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларини қўллаган ҳолда тўлов тизимларини ташкил қилиш қоидалари талабларига амал қилган ҳолда тўловларни амалга оширади.

5. Тизимдан фойдаланиш ва тизим хизматлари учун ҳақ миқдори Банк ва Мижоз ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

**II. Тизимда ишлаш тартиби**

6. Банк ва Мижоз ўртасида маълумот алмашинуви Шартноманинг 2.2 бандида кўрсатилган вақтларда амалга оширилади.

7. Мижоз Тизимда мазкур Низомнинг иловасида\* келтирилган чизмага мувофиқ ишлайди.

8. Мижоз янги амалиёт кунида ишни бошлашдан олдин, ўзининг шахсий ҳисобварағидаги аввалги амалиёт куни учун айланма ва қолдиқларини текшириши керак. Айланма ва қолдиқлар тўғрисидаги маълумотлар мос келган ҳолда мижоз электрон тўлов ҳужжатларини киритишни бошлаши мумкин, акс ҳолда улар ўртасидаги фарқ сабабларини аниқлаши шарт. Мижоз ва банк ўртасида ахборот сўровлари ва хабарлари алмашинуви шахсий депозит ҳисобварақлардаги айланма ва қолдиқларни текшириш натижаларидан қатъи назар, амалга оширилади.

9. Мижоз Тизимда тўловларни тўловчи сифатида амалга оширишда фақат тўлов топшириқномаларини қўллаши мумкин. Бундан ташқари, солиқ органлари бевосита тўловчининг банкига электрон кўринишда инкассо топшириқларини қўйиши мумкин.

---

\* Қаранг: Низомга илова.: -5 бет.

10. Тизим орқали телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига мижоз томонидан бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун банк билан мижоз ўртасидаги шартномада тўловчи - мижознинг аниқ идентификация маълумотлари (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқалар) кўрсатилиши лозим.

11. Мижознинг топшириғи бўйича тизим орқали учинчи шахсларнинг тўловларини амалга оширишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12. Электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон тўлов ҳужжати пул-ҳисоб-китоб ҳужжатининг асл нусхасига тенглаштирилади ва у билан бир хил юридик кучга эга бўлади.

13. Мижозларнинг сўровлари автоматик тарзда қайта ишланади. Барча ўзгартиришлар, шу жумладан, мижозларнинг тизимга кириш ва чиқиш вақтлари банк ахборот тизимида қайд қилинади ҳамда электрон баённома тузилади.

14. Тизим орқали юборилган пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхалари банкка тақдим қилинмайди ва мижозда сақланади. Бунда, пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари расмийлаштирилишининг тўғрилиги, уларнинг электрон ва қоғоз кўринишлари мувофиқлиги бўйича жавобгарлик мижозга юклатилади.

### **III. Мижознинг ишлаш тартиби**

15. Тизимда мижоз томонидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 12 январдаги 1/4 (60)-сонли Қарори талабларига мувофиқ расмийлаштирилади.

16. Телекоммуникация провайдерлари ва операторлари ёки коммунал хизмат ташкилотлари фойдасига бир хил турдаги операцияларни амалга ошириш учун тўловчи - мижознинг фақат идентификация маълумотларини (телефон рақамлари, шахсий ҳисобварақлари ва бошқаларни) киритишга рухсат этилади.

17. Ҳужжатларни Тизимга киритиш тугатилгандан сўнг яқка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахснинг масъул ходими (бухгалтерия ҳисоби ва молиявий бошқариш вазифаларини амалга оширувчи шахс) ҳужжатнинг асл нусхасини унинг электрон нусхаси билан таққослаб текшириши ва электрон ҳужжатни ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаши керак.

18. Тизим орқали банкдан қабул қилинган ахборотни Мижоз фақатгина кўриш ва чоп этиш имкониятига эга бўлади.

19. Тизим орқали хизмат кўрсатиладиган шахсий ҳисобварақлардан кўчирмалар мижознинг ўзи томонидан чоп қилинади. Мазкур Низомнинг 4-бандига асосан тузилган шартномага мувофиқ Мижоз ҳисобварақларидан кўчирмалар банк томонидан чоп қилиниши мумкин.

20. Мижоз томонидан электрон рақамли имзо ёпиқ калити йўқотилган тақдирда ёки идентификация ва аутентификация маълумотлари учинчи шахсларга маълум бўлиб қолгани бўйича шубҳа туғилганда, мижоз Тизим орқали хизмат кўрсатишни тўхтатиш юзасидан банкни дарҳол мазкур Низомнинг 4-бандига асосан тузилган Шартномага мувофиқ хабардор қилиши керак. Шундан сўнг, тизим орқали мижоз ҳисобварақларидан амалга оширилган операциялар бўйича жавобгарлик Банк зиммасига юклатилади.

### **IV. Банкнинг ишлаш тартиби**

21. Мижозлардан келган барча ахборотлар дастурий равишда дешифрланади, реквизитлар бўйича назорат қилинади ва қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига узатилади.

22. Тўлов амалга оширилгандан сўнг электрон тўлов ҳужжатлари реестр кўринишида чоп этилади ва банкнинг кунлик ҳужжатлар йиғмажилдига тикилади.

23. Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига мувофиқ, банкнинг масъул ходими қўшимча текширилиши лозим бўлган электрон тўлов ҳужжатларини чоп этиши ва уларни банкнинг тегишли бўлимлари билан келишиши мумкин.

24. Мижознинг ҳисобварағида тўлов учун маблағлар етарли ёки мавжуд бўлмаса, агар Банк ҳисобварағи бўйича Шартномада бошқа тартиб кўзда тутилмаган бўлса, Мижоз томонидан тизим орқали банкка юборилган электрон тўлов топшириқномаси қайта ишлаш учун банк амалиёт кунига қабул қилинмайди ва бу ҳақда мижозга хабар берилади.

25. Мижозлардан олинган барча ахборот банкда ҳар куни архивланади ва Ўзбекистон Республикаси банкларида электрон архив ишларини юритиш тартиби тўғрисида йўриқнома талабларига мувофиқ сақланади.

26. Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида Низом талабларига мувофиқ маблағларни ҳисобварақларга ўтказиш, ҳисобдан чиқариш ҳамда Марказий банк Ҳисоб-китоблар марказига қайта ишлаш учун электрон тўлов ҳужжатини узатиш учун жавобгарлик банкка юклатилади.

## **V. Бошқа шартлар**

27. Мазкур Низом тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

28. Мазкур Низом кучга кириши билан “Асака” банк (ОАЖ)нинг 2010 йил 2 февралда 18-сонли баённома билан тасдиқланган 427-сонли “«Асака» (ОАЖ ) Банкада ҳисоб-китобларни «Банк-Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисида”ги Низом ўз кучини йўқотади.

29. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

## Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизими СХЕМАСИ

